

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
ББК: 66.3 (5Уз)1

*Давлетова Махсуда Шериповна*

*Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидағи*  
*сиёсати ва унинг ривожланиши*

**23.00.02 – Сиёсий институтлар ва жараёнлар**

**Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олини учун  
ёзилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**ТОШКЕНТ-2007**

378(043.3)

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университетининг «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва  
амалиёти» кафедрасида бажарилган

**Илмий раҳбар:**

Сиёсий фанлар доктори, профессор  
**Ибодулла Эргашев**

**Расмий оппонентлар:**

Сиёсий фанлар доктори, профессор  
**Назрулла Қосимович Жўраев,**  
фалсафа фанлари доктори  
**Хуррам Фармонович Хайдаров.**

**Етакчи ташкилот:**


Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация химояси 2007 йил «19» октёбр куни соат 14 <sup>еън</sup> да  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият  
курилиши Академияси кошидаги фан доктори илмий даражасини олиш учун  
ташкил килинган Д.005.10.01 ракамли Ихтисослашган кенгаш йигитлицида  
бўлиб ўтади. (Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурилаги  
Давлат ва жамият курилиши Академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Авторефера 2007 йил «14» сентябр да тарқатилди.

Д.005.10.01 ракамли  
Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,  
тарих фанлари номзоди, доцент

  
У. Ҳайитов

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбили.** Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсати ва унинг ривожланишини ўрганиш амалга оширилаётган ислоҳотлар, эркин, демократик фуқаролик жамияти, озод ва обод Ватан, эркин ва фарзон ҳаёт куриш мақсадлари билан узвий боғлиқдир. Чунки, жамиятини истикболини олий таълимнинг ривожланишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ўз-ўзидан аёнки янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият куриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўёламли вазифаларни хал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи мухим принципиал ва хал қиувчи ахамиятга эга»<sup>1</sup>.

Мавзунинг долзарбилиги бир қатор жихатлар билан белгиланади:

Биринчидан, мустакиллик туфайли жамият ҳаётининг ривожланиши, таълим, хусусан олий таълим соҳасида содир бўлган ўзаришлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, амалга оширилган ва оширилаётган янгилашишларни, ютуқ ҳамда муаммоларни ўрганишни тақозо этади.

Иккинчидан, олий таълим тизимиning мақсад ва вазифаларни амалга оширишда янгича назарий концептуал асосларда таълимнинг ўзига хос миллий модели билан боғлиқ жихатларини ўрганиш, унинг бозор иқтисодиёти талаблари асосида амалга оширилишида давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини кўрсатиш ва таҳлил этиш зарур.

Учинчидан, давлатнинг олий таълим сиёсатининг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларини «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда эришилган ютуқлар, тажрибаларни умумлаштиришни ҳам тақозо этади. Яъни, таълим сиёсати фалсафасининг мақсад ва вазифалари сиёсий фанларда етарлича ўрганилмагани билан боғлиқ.

Тўртингидан, олий таълим соҳасида янги йўналишларнинг шакллангани, унинг бозор иқтисодиёти талаблари асосида амалга оширилиши билан боғлиқ.

Бешинчидан, олий таълим соҳасини янгилаш ва модернизациялаш, унинг жаҳон андозаларига жавоб берисида тегишли вазирлик, таълим муассасалари, университетлар профессор-ўқитувчиларнинг иштироки ёки мутахассис кадрлар тайёрлашнинг олий таълим жараёнидаги тажрибасини умумлаштириш ва таҳлил этишга бўлган эҳтиёж мавжуд.

Олтинчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамкамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавкеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётгани таълим соҳасидаги хориж тажрибасининг амалий, фойдали

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиет йили. «Халқ сўзи», 2007 йил 31 август.

378(043.3)

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университетининг «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва  
амалиёти» кафедрасида бажарилган

**Илмий раҳбар:** Сиёсий фанлар доктори, профессор  
**Ибодулла Эргашев**

**Расмий оппонентлар:** Сиёсий фанлар доктори, профессор  
**Назрулла Қосимович Жўраев,**  
фалсафа фанлари доктори  
**Хуррам Фармонович Хайдаров.**


**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети

Диссертация химояси 2007 йил «19 октёбр» куни соат 14 <sup>ч.</sup> да  
Ўзбекистон Республикаси Президенти қузуридаги Давлат ва жамият  
курилиши Академияси қошидаги фан доктори илмий даражасини олиш учун  
ташкил килинган Д.005.10.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш йигитлигига  
бўлиб ўтади. (Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият курилиши Академияси кутубхонасида танилиш мумкин.

Автореферат 2007 йил «14 сентябрь» да тарқатилди.

Д.005.10.01 рақамли  
Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,  
тарих фанлари номзоди, доцент



У. Ҳайитов

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсати ва унинг ривожланишини ўрганиш амалга оширилаётган ислоҳотлар, эркин, демократик фуқаролик жамияти, озод ва обод Ватан, эркин ва фарозон хаёт куриш мақсадлари билан узвий боғлиқдир. Чунки, жамиятганинг истиқболини олий таълимнинг ривожланишисииз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ўз-ўзидан аёнки янги давлат барпо этишда милий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият куриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўлмали вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи мұхим принципиал ва ҳал қитувчи аҳамиятга эга»<sup>1</sup>.

Мавзунинг долзарбилиги бир қатор жихатлар билан белгиланади:

Биринчидан, мустакиллик туфайли жамият ҳаётининг ривожланиши, таълим, хусусан олий таълим соҳасида содир бўлган ўзгаришлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, амалга оширилган ва оширилаётган янгилаишларни, ютуқ ҳамда муаммоларни ўрганишни тақозо этади.

Иккисинчидан, олий таълим тизимининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда янгича назарий концептуал асосларда таълимнинг ўзига хос милий модели билан боғлиқ жихатларини ўрганиш, унинг бозор иқтисодиёти талаблари асосида амалга оширилишида давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини кўрсатиш ва таҳлил этиш зарур.

Учинчидан, давлатнинг олий таълим сиёсатининг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларини «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш милий дастурини амалга оширишда эришилган ютуклар, тажрибаларни умумлаштиришни ҳам тақозо этади. Яъни, таълим сиёсати фалсафасининг мақсад ва вазифалари сиёсий фанларда етарлича ўрганилмаган билан боғлиқ.

Тўргинчидан, олий таълим соҳасида янги йўналишларнинг шакллангани, унинг бозор иқтисодиёти талаблари асосида амалга оширилиши билан боғлиқ.

Бешинчидан, олий таълим соҳасини янгилаш ва модернизациялаш, унинг жаҳон андозаларига жавоб бернишида тегишли вазирлик, таълим муассасалари, университетлар профессор-ўқитувчиларнинг иштироки ёки мутахассис кадрлар тайёрлашнинг олий таълим жараёнидаги тажрибасини умумлаштириш ва таҳлил этишга бўлган эҳтиёж мавжуд.

Олтингчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавкеи ва обру́-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётгани таълим соҳасидаги хориж тажрибасининг амалий, фойдали

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиёт йўли. «Халқ сўзи», 2007 йил 31 август.

эришилган ютуқлар ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил этиш асосида илмий-тадқикот ишини олиб боришга бўлган эхтиёж сакланиб қолмоқда.

**Диссертациянинг илмий-тадқикот ишлари режалари билан боғликлиги.** «Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсати ва унинг ривожланиши» муаммосини ўрганиш Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ишлаб чиқилган илмий-тадқикот ишлари режалари билан боғлик.

**Тадқиқотнинг максади.** Ўзбекистон Республикасининг олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг ривожланишини, демократик фуқаролик жамияти, эркин ва фаровон хаёт куриш билан боғлик хусусиятларини сиёсий фанлар нуқтаи назаридан тадқиқ этишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари кўйядагилар:**

- «олий таълим», «давлатнинг олий таълим соҳасидаги сиёсати» тушунчаларининг мазмун ва моҳиятини тавсифлаш;
- олий таълимга доир давлат сиёсатидаги ўзгаришларни таҳлил этиш;
- олий таълим сиёсатидаги ўзгаришларнинг илмий концептуал асослари ва тамоилиларини ўрганиш;
- олий таълимни жамиятнинг янгиланиши, ўзгариши ва уни янада модернизациялаш сифатида таъсирини кўрсатиш;
- олий таълимнинг икки босқичли тизимга ўтишининг моҳиятини сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил этиш;
- олий таълимнинг янгича маънавий-мафқуравий асосларининг афзаллукларини асослаш;
- давлат сиёсатининг мазкур соҳага тегишли мақсадларини амалга ошириш механизмларини умумлаштириш;
- олий таълимнинг хориж билан ҳамкорлик йўналишларини ўрганиш;
- олий таълим тизими дастурларини амалга оширувчи таълим муассасаларининг фаолиятини таҳлил этиш;
- олий таълим ривожидаги ютуклар, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ечимига қаратилган илмий-назарий хуласалар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг обьектини.** Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсати, олий таълим тизими, давлат таълим стандартига мувофиқ фаолият кўрсатувчи муассасалар, давлат бошқаруви органлари, шунингдек, ёшлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсати ва унинг ривожланиш омилларини, тегишли таълим муассасалари, таълим-тарбия субъектлари фаолияти билан боғлик конуниятларни сиёсий фанлар нуқтаи назаридан ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг услуби.** Мавзуни ёритища жамият ривожланишининг умумий конуниятлари-тариҳийлик, мантиқийлик, холислик ва демократик

принциплар, таркибий-функционал ёндашув ҳамда илмий билишнинг муаммоли-таҳлил каби усусларидан фойдаланилди

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий фикрлар.** Ҳимояда куйидаги концептуал гоялар илгари сурилади:

— мустакиллик туфайли Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги янгилинишлар, унинг ягона сиёсий-мағкуравий максад, манбаатлардан холи бўлишининг таълим фалсафасидаги муҳим йўналиш эканлиги;

— давлат сиёсатида олий таълим тизими концепциясининг маъно-мазмуни, уни миллий-маданий мерос ва умумзътироф этилган демократик қадриятлар тизими билан тараккиётнинг миллий моделида акс этиши мукаррарлиги;

— олий таълим босқичлари, бакалавриат ва магистратуранинг жаҳон олий таълим таҳқибаси билан мос келиши;

— олий таълимнинг ривожланиши, унинг ютукларининг муайян мамлакат ҳудуди билан чегараланмаслиги, умуминсоний аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги концепсия ҳамда давлатларо ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги;

— олий таълим ва глобаллашув жараёнининг узвий алоқадорлиги, миллий мутахассис кадрлар тайёрлашда уларнинг маънавий-сиёсий қиёфасининг миллий гояга ишонч ва эътиқоди билан боғликлиги;

— Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти куришда, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга эришишда илм-фан ютуклари мутахассис кадрлар салоҳияти билан узвий боғликлиги давлатнинг муҳим стратегик максади эканлиги билан боғлиқ гоя ва қарашлар.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Ўзбекистоннинг олий таълим соҳасидаги сиёсатининг ўзгариши ва унинг ривожланиши концепциясининг ўзига хос хусусиятлари, маъно-мазмунининг, сиёсий фанлар нуқтаи назаридан ёндашиб, таҳлил этилганлиги билан белгиланди.

— «Олий таълим», «Давлатнинг олий таълим соҳасидаги сиёсати» тушунчларининг маъно-мазмуни тавсифланган;

— олий таълим жамиятни янгилаш, эркин ва демократик фуқаролик жамияти курилишининг муҳим омили эканлиги асосланган;

— давлат сиёсатининг олий таълим соҳасидаги ўзига хос жиҳатлари ва янгилинишлари таҳлил этилган;

— олий таълим муассасаларининг фаолияти ўрганилган;

— олий таълим соҳасидаги ўзгаришларининг маънавий-мағкуравий негизлари ва тамойиллари ўрганилган;

— олий таълим йўналишларидағи ўзгаришлар бозор иктисадиёти галаблари асосида таҳлил этилган;

— олий таълим босқичларидаги мавжуд айrim объектив ва субъектив муаммолар ва унинг ечим асосланган;

— олий таълим соҳасида дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан ўзаро тажриба алмашининг аҳамияти кўрсагилган;

-- глобаллапув жараённида олий таълим муассасаларини битириб чиқаёттган кадрларнинг дунёқараши, салоҳияти ва қадриятларга муносабати билан боғлиқ омиллар ўрганилган;

— Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишлари, уни янада ривожлантиришга қаратилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари ва унда илгари суригланған ғоялар давлатининг олий таълим соҳасига доир сиёсатини чукурроқ ўрганиш ва билишда мухим илмий назарий аҳамият қасб этади.

Олий таълимнинг ривожланиши, уни янада модернизациялаш билан боғлиқ янгича ёндашув ва хулосалардан, жойлардаги олий таълим муассасаларининг фаолиятини ташкил этишда фойдаланиш мумкин. Диссертациянинг илмий-назарий хулосалари олий таълим соҳасида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашда, уларнинг миллий ғоята ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлашда, шунингдек, таълим соҳаси ютуқ ҳамда муаммоларини ўрганиш билан боғлиқ илмий тадқиқотларда фойдаланиш имкониятини беради. «Сиёсатшунослиқ», «Миллий ғоя», «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» каби фанларни ўқитища фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий килиниши.** Диссертациянинг асосий коидалари, хулосалари илмий-назарий ва амалий конференцияларда, жумладан, Мирзо Уlugбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва университет таълимининг истиқболлари» деб номланган Конференциясида (2001 йил 22 июнь), Ўзбекистон Республикаси Президентининг Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истебъод» жамғармасининг хорижда таълим олган ёш мутахассисларнинг III-IV-Конференцияларида, шунингдек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўкув жараёнларида олиб борилган маъруза ва амалий машғулотларда жорий килинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Тадқиқот иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича ташкил этилган илмий-назарий семинарда (2006 йил 22 март), Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясидаги илмий-назарий семинарда (2006 йил 19 июнь), Мирзо Улагубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (2007 йил 9 февраль) ҳамда Тошкент молия институти (2007 йил 26 январь)нинг ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраларида мухокамадан ўтган ва химояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон килинганилиги.** Тадқиқотнинг асосий концептуал төйлари, таклифлари 2001-2006 йилларда чол этилган тўққизга илмий нашрларда ўз аксини топган. Улар республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуман материалларида, «Жамият ва бошқарув», «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари», «Ҳаёт ва конун» журналларида, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: тарих ва тараккиёт» рисоласида мақола сифатида, ҳамда «Ўзбекистонда таълим конунчилигининг ривожланиши» номли монографияда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши 149 бетни ташкил килиб, кириш, 7 параграфни ўз ичига олган 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмидаги тадқиқот мавзусининг долзарблиги, янгилиги, ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, назарий ва амалий аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг биринчи бобида «Мустақил Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсатининг янгича назарий-концептуал асослари» ўрганилган. Биринчи бобнинг биринчи параграфи «Давлатнинг олий таълим соҳасидаги сиёсати: тушунчаси, янгича назарий-концептуал асослари» деб номланган. Унда мустақиллик туфайли олий таълим соҳасида амалга оширилган янгиланишлар таҳлил қилинган. Мамлакатимизда олий таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг зарурлиги, шартшароитлари асослаб берилган.

Ўзбекистонда давлат сиёсатининг олий таълим соҳасидаги назарий, концептуал асослари янгидан ишлаб чиқилганлигини такозо этадиган ўзига хос йўналишлари келтирилиб таҳлил этилади.

Олий таълим соҳаси — таълим тизимининг муайян боскичидир. Тадқиқотда Олий таълим — давлатнинг жамиятни ривожлантиришга қаратилган сиёсатининг муҳим соҳаси сифатида ўрганилади. Шунингдек, олий таълимга инсонларнинг муайян кисмини камраб олувчи, уларга фан, таълимдан миллий ва умуминсоний маданият ютукларидан сабок берувчи, ўз билими, кўнгилмалари илмий салоҳияти билан мамлакатнинг энг муҳим муаммоларини очища ғарбиётироқ эта олувчи баркамол инсонни, мутахассис қадрларни шакллантиришга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширувчи таълим турни сифатида қаралади.

Ўзбекистоннинг таълим сиёсатида ўзига хос йўли мавжудлиги куйидаги йўналишларда келтирилиб: 1) Олий таълим тизимини ислоҳ этишда дунёдаги мавжуд амалиётдан кенг фойдаланилди, олий таълимнинг икки боскичли даражасига ўтилди; 2) Олий таълимга талабалар қабул килишда давлат ғранти ва тўлов-шартнома асосида қабул килиш усули жорий этилди; 3) Олий таълимга талабалар тест синовлари, айрим ихтисосликлар бўйича

дастлаб сухбат (тандов) ўтказилади. Бундай ижодий имтиҳон конкурс орқали абитуриентнинг кобилияти баллик тизим орқали баҳолаш (балли)дир;

4) Ўзбекистонда давлатнинг бош ислохотчилик роли, олий таълим соҳасида ҳам сакланиб колди. Таълимнинг хусусийлаштирилишига ўзига хос ёндашилди ва давлатнинг ҳомийлиги сакланиб колинди. Таълим соҳасида фаолият кўрсатадиган муассасалар, профессор-ўқитувчиларни молиявий кўллаб-куватлашга давлат алоҳида ахамият бермоқда. Бу Ўзбекистондаги ижтимоий-иктисодий ҳолат, демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлик ҳолда ўрганилган ва тегишли хуносалар берилган.

Тадқикотнинг биринчи бобининг иккинчи параграфи «**Олий таълимнинг миллий тизими концепцияси: шаклланиши ва тамойиллари**»ни тадқик этишга бағишиланган.

Мамлакатимизнинг олий таълим муассасаларини губдан ислоҳ килишга доир давлат сиёсатини илмий жиҳатдан таҳлил килган ҳолда олий таълимнинг миллий тизими концепцияси давлат сиёсатида ўз аксини топаётгандигига эътибор қаратилган.

Олий таълим фаолиятида миллий маъданий мерос ва қадриятларни хисобга олган ҳолда, ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги, инсон ҳукуклари ва эркинлеклари уступорлиги, ижод эркинлиги, истеъодони рағбатлантириш миллий таълим тизимининг умумзътироф этилган асосий тамойиллари сифатида ўрганилган. Бу ҳозирги кун таълим мининг янги концепцияси моҳиятни очиб беради ҳамда таълим соҳасидаги сиёсатнинг мазмунини ўзида акс эттиради. Янги таълим концепцияси инсоннинг яшаш шароитини яхшилаш, қадр-кимматини асрарни умумбашарий қадриятларни ёқлайди, амалий ҳаётга тадбики эса инсон, таълим муассасаси ва давлат сиёсатининг уйтуналашувида ўз аксини топади. Бу соҳада эришилган ютуклар тадқикотда атрофлича таҳлил этилган.

Тадқикотнинг иккинчи боби «**Ўзбекистон давлатида олий таълим босқичлари: янгиланиш ва модернизацияланиш жараёнлари**» деб номланади. Унинг «**Олий таълим миллий тизимининг бакалавриат босқичи: мақсади, ўзгаришлар ва янгиланишлар**» деб номланган биринчи параграфида олий таълимнинг бакалавриат босқичининг моҳияти ва афзалликлари ҳамда модернизацияланиш жараёнлари киёсий тадқик килинган.

Олий таълимни модернизациялаш — замонавий кўриниш бериш, уни замон талабларига мувофиқ ўзgartиришдан иборатдир. Янгиланишлар туфайли Ўзбекистон Республикасида олий таълим соҳаси икки босқичда амалга ошириладиган бўлди. Бунда олий таълимнинг таркибий тузилиши, мавжуд жараёнлар замон талабларига мувофиқ, жаҳон андозаларига мос қайта ташкил этилди.

Олий таълимнинг биринчи босқичи бакалавриат бўлиб, унда ўқиши тўрт йил этиб белгиланди. Бу муайян йўналиш бўйича билим олишнинг биринчи босқичи бўлиб, ўзига хос жиҳатларга эга.

Талабалар бакалавриат йўналишини тутатгач иккинчи боскичда ўз кобилиягини инобатга олган ҳолда, хоҳигига кўра давом эттириши мумкин. Кадрлар тайёрланиш миллий дастурида ҳам бу борадаги фаолиятни ривожлантириш назарда тутилади. Статистик маълумотларга кўра, 1999-2004 йилларда олий ўқув юртлари жамиятимизга (жами) 189836 та бакалавр тайёрлаб берган. Буларнинг 13902 таси 1999 йилда; 22885 таси 2000 йилда; 31167 таси 2001 йилда; 35047 таси 2002 йилда; 40045 таси 2003 йилда; 46790 таси эса 2004 йилда тайёрланган<sup>1</sup>.

2005-2006 йилларда 118574 та олий маълуметли кадрлар тайёрланган бўлиб, уларнинг энг кўпини таълим соҳаси учун тайёрланган юкори малакали кадрлар (2005 йилда 32154 та, 2006 йилда 33418 та) ташкил этади<sup>2</sup>. «Бутунги кунда мамлакатимизнинг 65 та олий ўқув юртида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба билим олмокда»<sup>3</sup>.

Тадқиқотда ўтган йиллар давомида бакалавр, мутахассис кадрлар тайёрлана тажрибаси, эришилган ютуклар атрофлича таҳлил этилган. Бакалаврлар тайёрлашнинг афзалигига бальзан нотўғри тушуниш ҳолатларига муносабат билдирилган. Бу кенг жамоатчилик онгиди сақланиб қолган «бир боскичли таълим тизимининг афзалиги тўгрисидаги» караш билан боғлиқ эканлиги таъкидланган.

Шу нуқтаи назардан, бакалавр мутахассисларга ўз қобилиятини, қизикиши, иктидорини аниқ баҳолаш имкониятини беради. Бу унинг магистратурада ўқиш ёки ўқимаслигини ихтиёрий ҳал этиш кафолати ҳамдир.

Тадқиқотда олий таълимнинг бакалавриат боскичини янада ривожлантириш, замонавий таълим ва фанни ўрганиш технологияларини эгаллашга қаратилган тест ўтказишни янада такомиллаштириш, талабаликка қабул килишдаги айrim салбий ҳолатларнинг олдини олиш, талабалар билимини баҳолашдаги кундалик назорат шаклларини такомиллаштириб боришига эришиш йўллари асослаб берилган.

Тадқиқот иккинчи бобининг иккинчи параграфи «Магистратура боскичи ва унинг модернизациялашиш жараёнлари» деб номланади. Унда Ўзбекистонда олий таълимнинг иккинчи боскичи магистратуранинг мазмун-моҳияти, ундан кутилган натижка ва муҳим вазифалар, уларнинг амалга оширилиши жараёнидаги айrim муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий хулюсалар мавжуд тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда магистратура боскичи олий таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим таълим стратегияси сифатида давлат ва жамиятнинг инсон салоҳиятни ривожлантириши истиқболи нуқтаи назаридан ўрганилган. Олий таълимга муҳим социал институту сифатида каралиб, етишиб чиқаётган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумоти. 2005 йил 22 июнь. (№18-12-09. 29).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумоти. 2007 йил 22 февраль. (№02-07-265.03).

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йилинг мустақил тараққиёт йўли. «Халқ сўзи», 2007 йил 31 август.

магистрларга таълимнинг турли йўналишлари оркали фан, таълим ва маданият устуворлигига эришиш мумкинлиги мамлакатда фукаролик жамияти куриш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт куриш мақсадлари билан узвий боғлик ҳолда ўрганилган.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистоннинг олий ўкув юртлари битиравчилари учун талабнома билан мурожаат этаётган корхона ва ташкилотлар «Битиравчичи-2007» таксимотига мағбуот оркали таклиф этилмоқда. Масалан, Тошкент Молия институтини 2006-2007 ўкув йилда 946 та бакалавр, 243 та магистр; Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини давлат гранти асосида 512 та, шартнома асосида 904 та бакалавр; давлат гранти асосида 30 та, шартнома асосида 198 та магистрлар битириб чиқишилари маълум килинган.<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 2005-2006 ўкув йилида давлат гранти асосида 140 та, шартнома асосида 382 та магистр тайёрлаб берган бўлса<sup>2</sup>, 2006-2007 ўкув йилида давлат гранти асосида 154 та, шартнома асосида 605 та магистр битириб чиқмоқда.<sup>3</sup>

Шунингдек, тадқиқотда магистратура босқичида мустақиллик туфайли эришилган ютуқлар, давлат гранти ва шартнома асосида тайёрланган мутахассис кадрларнинг мониторинги амалга оширилганлиги бошқа айrim олий ўкув юртлари мисолида ҳам ўзининг далилини топган. Тадқиқотда магистратуранинг салоҳияти, унинг илм-фан ривожига таъсири, аспирантура босқичига тайёргарлик, унда ўкиш имконияти нуктаи-назаридан баҳосини топиб таҳлил этилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби «Олий таълим соҳаси ва глобаллашув жараёнлари» деб номланган бўлиб, биринчи параграфида «Олий таълим соҳасининг глобаллашуви ва ўзаро ҳамкорликнинг кенгайиши» билан боғлиқ ўзгаришлар таҳлил этилади. Унинг энг муҳим жиҳати олий таълимнинг бугунги глобаллашув жараёнидаги муҳим вазифаси ҳамда маънавий салоҳиятни таъминловчӣ кучга эга эканлиги билан белгиланиши қайд этилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг «Таълим тўгрисида»ги ilk қонуни мамлакатимиз таълим тизимида халқаро ҳамкорликнинг ҳукукий асосларини белгилаб берган. Жумладан, 44-модданинг биринчи бандила шундай дейилган: «Таълим муассасалари ва таълим тизимидағи корхоналар қонуиларда белгиланган тартибда таълимга доир муаммолар юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, ажнабий мамлакатларнинг ўкув юртлари ва илмий муассасалари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, улар билан биргаликда ўкув юртлари очиш ҳукукига эгадирлар»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи». 2007 йил 15 февраль; «Халқ сўзи». 2007 йил 22 февраль.

<sup>2</sup> «Халқ сўзи». 2006 йил 24 март.

<sup>3</sup> «Халқ сўзи» 2007 йил 31 январь.

<sup>4</sup> Ўзбекистоннинг янги қонуилари. №6-Т. Адолат. 1993.Б. 46-70.

Тадқиқотда глобаллашув жараёни таълимни социал инфраструктуранинг мухим элементларидан бирига айлантирганилиги, олий таълим мамлакатда илм-фани, юкори технология, инсон салохияти, жамиятни ривожлантирувчи омил эканлиги таҳлил этилади.

Тадқиқотда Ўзбекистоннинг хориж билан олий таълим соҳасидаги турли йўналишларда амалга ошираётган ҳамкорлиги таҳлил этилиб, натижалари умуллаштирилган ҳамда хуносалар чиқарилган.

Тадқиқот учинчи бобнинг иккинчи параграфи «Олий таълим соҳаси глобаллашувиининг сиёсий-маданий жиҳатлари»ни тадқиқ этишга бағищланган. Унда олий таълимга глобаллашиб жараёнларининг мухим йўналиши сифатида уни айрим ноҳолис сиёсий мақсад ва мафкуралар таъсиридан холос бўлиши билан боғлиқ омилларга эътибор қаратилиди. Глобаллашувиининг айрим сиёсий жиҳатларига эътибор қаратилган. Бу халқаро доирада ўзи таъсирини бир томонлама ўтказишга интилаётган айрим ташкилотлар фаолияти орқали ифодаланади. Глобаллашувиининг маданий жиҳатлари — маданий аҳборотларнинг кудратли тўлкини, уларга бўлган эҳтиёжларнинг ортиши билан боғлиқ. Бу мутахассис кадрлар тайёрлашда уларниң дунёқарashi, миллӣ гоя негизларига бўлган ишонч ва эътиқодини ошириш билан боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор қаратилиди.

Учинчи бобнинг учинчи параграфида «Мутахассис кадрлар тайёрлашда олий таълим ролининг ошиб бориши: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар» таҳлил этилади.

Тадқиқотда ҳозирги кунда юкори малакали кадрлар тайёрлаб берувчи олий таълим муассасалари фаолиятларини ўрганиш орқали мавжуд айрим муаммолар ва учнинг ечимига эътибор қаратилган.

Бизнингча, биринчидан, ишлаб чиқаришда кадрлар малакасига кўйиладиган талабнинг юкори эканлиги, бу бўлажак мутахассисдан ўз соҳасини чукур ўзлаштиришга ундаши ва таълим жараёнида онгли интизомни шакллантиришина тақозо этади. Бунга амал қилиш зарур.

Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги эришилган ютуқларга сиёсий фанлар нуқтаи назаридан баҳо берилади. Олий таълимнинг бир томонлами тоталитар сиёсий мақсадлар ва манфаатлар таъсиридан холос бўлганилиги, ягона дунёқараси, мафкуравий тамойиллардан, илм-фан ютуқларига «марказ манбаати»дан келиб чиқкан ҳолда караш, режали иктисадга бўйсундиришнинг салбий оқибатлари ҳамда илм-фан ривожи ва олий таълимнинг миллӣ-маданий негизларидан ажralиб қолиши, дунё фани ютуқларига панжа орасидан караш тажрибасидан воз кечилиши мустақилликнинг мухим ютути сифатида таҳлил этилади.

Шунингдек, тадқиқотда мутахассис кадрлар тайёрлашда олий таълим ролининг ошиб бориши омиллари ва шарт-шароитлари ўрганилади. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури қабул килингандан буён ўтган йилларда олий таълимни янада модернизациялаш билан боғлиқ жараёнлар алоҳида таъкидланади. У тегишли далиллар орқали асосланади.

Олий таълимдаги янгиланишлар ва мутахассис кадрларнинг илмга бўлган муносабати, дунёкараши ҳамда Ватан олдидаги бурч ва масъулиятини хис этиш билан боғлик ўзига хос хусусиятларни хисобга олиш, бозор иктисодиётига ўтиш билан боғлик айрим объектив қийинчиликларни хисобга олган ҳолда таҳлил этилган. Давлатнинг олий таълимни, илм-фанни қўллаб-кувватлашдаги бош ислоҳотчилик ролининг аҳамияти Ўзбекистон шароити ва хусусиятлари билан боғлик ҳолда ўрганилган.

Тадқикотда шу билан боғлик илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

### 3. ХУЛОСА

Тадқикот натижаларини таҳлил этиб, куйидаги хулоса, амалий таклиф ва тавсияларни бериш мумкин:

Биринчидан, мустакиллик туфайли Ўзбекистон давлатининг олий таълимни ислоҳ этишга қаратилган сиёсати олий таълим ривожланишининг миллий модели билан боғлик бўлган хусусиятларни, миллий-маънавий қадриятларни хисобга олган ҳолда умумий қонуниятларни ифода этади.

Иккинчидан, маълумки, таълим соҳасининг ривожи ва унинг натижалари умуминсоний аҳамият касб этади. Олий таълим ривожи бир томонлами мағкуравий ақидалардан халос бўлгани, унинг дунёдаги илгор мамлакатлар фан ва таълим соҳасидаги ютукларидан баҳраманд бўлишига ҳамда таълимни энг замонавий ютук ва янгиликлар асосида ташкил этишга имконият яратиб беради.

Учинчидан, Ўзбекистон олий таълим соҳасидаги сиёсати таълим тизимини дунё таълим тизимидағи илгор тажриба билан бойитии, мамлакатда олий таълим соҳасидаги ўзгаришлар билан унинг сиёсий фалсафаси, миллий ва умуминсоний мезонлар, мақсад ва манфаатлар билан боғлик истиқболга эга бўлишини намоён этади.

Тўртичидан, янги таълим тизимида ёшларга кенг имконият яратилган бўлса-да, уни янада такомиллаштириш чораларини кўрип зарур. Бунинг учун йўналишлар бўйича ўқитилаётган фанларни танлаш имкониятини, ракобат, мулокот мухитини янада такомиллаштириш заруратини хисобга олиш мухим.

Бешинчидан, олий таълим соҳасидаги муаммолардан бири — ёшлар томонидан айрим касбларни эгаллашда уларнинг нуфузига қараб интилиш ҳолатлари мавжудлигидир. Муаммонинг ҳал этилиши кадрларнинг салоҳияти билан боғлиқнинг эътиборга олган ҳолда, ўқишига ёшларнинг қобилияти қараб йўл-йўрик, ёрдам кўрсатишда (касб танлашда) ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис марказларининг фаолиягини кучайтириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Олтингчидан, кадрлар тайёрлашда ишлаб чиқаришнинг мавзенини кучайтириш мақсадида мулкчиликнинг турли шаклларини хисобга силиб, уларниңг хам буюртмачи, хам истеъмолчи сифатида иштирокини амалда таъминлаш зарур.

Еттингчидан, таълим жараёнида тест синовларининг жорий этилиши олий таълимга қобилиятулар, иқтидорли ёшларни ташлаб олишда муҳим ўзгаришлар амалга оширилаётганлигидан далолатдир. Уни янада ривожлантириш, модернизациялаш ҳакида ўйлаш керак. Айниска, тест натижаларининг эълон килиш муддатларини кискартиришга эришиш лозим.

Саккизинчидан, профессор-ўқитувчилар томонидан олий таълим соҳасида жорий этилаётган янгиликларни кабул килиш ҳолатлари хам силлик кечаятганни йўқ. Айрим ҳолларда талабаларнинг билимини баҳолашда субъектив омилга, «ўқитувчига боғлиқлик» мухити сакланиб колмоқда. Уни бартараф этиш учун деканат, факультет ва кафедраларнинг масъулиятини янада ошириш ҳамда қундалик ўкув жараёнида талабанинг билимини баҳолаб бориш орқали истеъоддларини рағбатлантириш лозим.

Тўққизинчидан, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базаси янгиланиб, ўзгариб бораётган бўлса-да, замонавий фан техника ютуқларидан фойдаланиш етарили эмас. Шунинг учун бу йўналишда илмий-амалий, услубий анжуманларни кўпроқ ташкил этиш зарур.

Ўнинчидан, олий таълимдаги ўзгаришлар бўйича айрим илғор университетлар базасида уни ўрганишни ташкил этиш ҳамда оммалаштириш чораларни кўриш лозим.

Ўн бирингчидан, олий таълимга талабаликка қабул килишда нафакат тест синовлари, айни пайтда, таълим йўналиши ва мутахассислиги хусусиятларини хисобга олиб, бўлғуси мутахассиснинг касбга лаёкати, қизикишини аниклаб берадиган кўшимча синов механизмларини ҳам жорий этиш фойдалан ҳоли эмас. Бу таълим соҳасидаги айрим салбий ҳолатларнинг олдини элиш ёки камайтириш имкониятини беради.

Ўн иккинчидан, Ўзбекистоннинг олий таълим тизимидағи ўзгаришлар олий ўкув юртларини дунёдаги таълим муассасалари билан яқинлаштиради. Таълим соҳасидаги ҳар бир ютук глобал ўзгаришларга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Лекин, миллий таълим тизими ҳар бир халқнинг миллий-маънавий кадрнятларидан узилиб колмаслиги учун ёшлар онгига миллий ғояни чуқур сингдириш, улarda ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлаб бориш ҳар бир мураббий, кафедра, деканат, факультетларнинг, олий таълим муассасаси илмий жамоатчиликнинг мукаддас бурчи бўлмоғи лозим. Чунки, олий таълим билан боғлик ижобий ўзгаришлар давлат сиёсати билан боғлик ҳолла, миллий манфаатларга янада кўпроқ хизмат қиласди. Бу мамлакатда эркин ва фаровон ҳаёт қурилишига каратилган миллий ғоя мақсадлари билан муштарак ҳолда тегишли шарт-шароит яратади.

#### 4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Давлетова М.Ш. «Ўзбекистонда таълим қонунчилигининг ривожланиши» (монография). - Тошкент, ТДЮИ. 2003.-Б.219.
2. Давлетова М.Ш. «Таълим — миллат тақдирни демак». // Жамият ва бошқарув. - Ташкент, 2001. 4-сон. Б. 56-58.
3. Давлетова М.Ш. «Баркамол авлод орзуси. Таълим қонунчилигининг айрим хусусиятлари». //Ҳаёт ва қонун.-Ташкент, 2001. 4-сон. б.78.
4. Давлетова М.Ш. «БМТнинг инсон хукуклари соҳасида таълим ўн йиллигиги». //Демократлаштириш ва инсон хукуклари.-Ташкент, 2004. 2-сон. Б.15- 16.
5. Давлетова М.Ш. «Олий таълим: ютуклар муаммолар ва ечимлар». //Жамият ва бошқарув. -Ташкент, 2005.3-сон. Б.93-96.
6. Давлетова М.Ш. «Қонун устуворлиги — тараққиётимиз гаровидир». //Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: тарих ва тараққиёт рисоласи. -Ташкент, ТДЮИ. 2003.-Б.87-90.
7. Давлетова М.Ш. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда». //«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва университет таълимининг истиқболлари» мавзуидаги ўкув-методик конференция материаллари тўплами. -Ташкент: ЎзМУ, 2001. Б.5-6.
8. Давлетова М.Ш. «Ўзбекистон Республикасида олий таълимни янгилаш --- бу мамлакатни янгилаш демакдир». //Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъод» жамғармаси хорижда таълим олган ёш мутахассисларнинг III-конференцияси материаллари тўплами. 14-жилд. -Ташкент, 2005. Б.43-48.
9. Давлетова М.Ш. «Ўзбекистон давлатида олий таълим соҳаси босқичлари: янгиланиш ва модернизацияланиш жараёнлари». //Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъод» жамғармаси хорижда таълим олган ёш мутахассисларнинг IV конференцияси материаллари тўплами. 21-жилд. - Ташкент, 2006. Б.44-55.

**Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Давлетова Махсуда**

**Шериповнанинг 23.00.02 – Сиёсий институтлар ва жараёнлар  
иҳтиисослиги бўйича «Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги  
сиёсати ва унинг ривожланиши» мавzuидаги диссертациясининг**

## **РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** давлат сиёсати, олий таълимнинг ривожланиши, олий таълим ислоҳоти, олий таълимнинг концептуал асослари, олий таълимнинг боқичлари, олий таълимда модернизациялаш жараёнлари, олий таълимнинг глобаллашуви.

**Тадқикот объектлари:** Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсати, олий таълим тизими, давлат таълим стандартларига мувофиқ олий таълим дастурларини амалга оширувчи олий таълим муассасалари, таълим соҳасидаги давлат бошкарув органлари, уларга карашли муассаса ва ташкилотлар.

**Ишнинг мақсади:** Ўзбекистон Республикасининг олий таълим соҳасидаги давлат сиёсатини сиёсий фанлар нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш ва илмий асосланган хулоса ҳамда таклифлар ишлаб чиқишидан иборат.

**Тадқикот усуслари:** ворисийлик, тарихийлик, мантиқийлик, тизимийлик, киёсий-сиёсий таҳлил, таркибий-функционал ёндашув.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Ўзбекистонда давлатнинг олий таълим соҳасидаги сиёсатининг маъно-мазмунни сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил этилган, олий таълим муассасалари фаолияти жаҳон тажрибаси билан киёсий-сиёсий таҳлил килинган; олий таълим соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, уни янада ривожлантиришга карағилган илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** Тадқикот натижалари ва унда илгари сурилган фоялардан олий таълим соҳасидаги мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни чукурроп ўрганишда, бу борада давлат олиб бораётган сиёсатни янада такомиллашгирисда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Диссертациянинг асосий қоидалари, хулосалари турли илмий-назарий, илмий-амалий конференцияларда, тадбирлардаги маъруза ва семинарларда ўзи ифодасини топган.

**Кўлланиш соҳаси:** Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида «Миллий гоя», «Таълим муассасаларини бошқариш», «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти», «Сиёсатшунослик», «Инсон хукуклари» фани ва курсларини ўтишда ҳамда олий таълимда ёшлар орасида таълим-гарбия жараённида фойдаланиш мумкин

## РЕЗЮМЕ

**диссертации Давлетовой Махсуды Шериповны на тему: «Политика государства Узбекистан в сфере высшего образования и его развитие» на соискание ученой степени кандидата политических наук по специальности 23.00.02 – Политические институты и процессы**

**Ключевые слова:** Государственная политика, развитие высшего образования, реформа высшего образования, этапы высшего образования, модернизация высшего образования, глобализация высшего образования.

**Объекты исследования:** Политика республики Узбекистан в сфере высшего образования, согласно государственным образовательным стандартам, государственные управляющие органы в сфере образования, заведения и организации относящиеся к ним.

**Цель работы:** Исследовать государственную политику республики в сфере высшего образования и с точки зрения политических наук разработать научно обоснованные выводы и предложения.

**Методы исследования:** Преемственность, историчность, логичность, непрерывность, сравнительно-политический анализ, структурно-функциональный подход.

**Полученные результаты и их новизна:** Проанализировано содержание государственной политики в сфере высшего образования с точки зрения политических предметов, проведен сравнительно-политический анализ деятельности ВУЗов в сравнении с мировым опытом; реформы происходящие в стране по подготовке национальных кадров в сфере высшего образования; роль в создании основ гражданского общества; приоритетные направления государственной политики в сфере высшего образования, разработаны выводы и предложения по ее совершенствованию.

**Практическая значимость:** Результаты исследования и идеи могут быть широко использованы в сфере высшего образования в изучении недостатков и существующих проблем, а также для дальнейшего совершенствования политики государства в этой сфере.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** Основные выводы и предложения диссертации нашли свое отражение в семинарах и лекциях, в научно-теоретических и научно-практических конференциях.

**Область применения:** Могут быть использованы в преподавании предметов и курсов, как «Национальная идеология», «Управление образовательных заведений», «Теория и практика строения демократического общества в Узбекистане», «Политология», «Права человека», а также в процессе образования среди молодежи в ВУЗах.

## REZUME

**Thesis of Mahsuda Davletova Sheripovna on the scientific degree competition of the candidate of political sciences, specialty 23.00.02 - Political Institutes and Processes. Subject: «Uzbekistan state Policy in the Sphere of Higher Education and its Development»**

**Key words:** State policy and development in sphere of education; reformation of higher education; modernization of higher education; globalization of higher education.

**Subjects of the inquiry:** Policy of the Republic of Uzbekistan in sphere of higher education; in accordance with the state education standards, state governing bodies in sphere of education, institutions and organizations which belong to them.

**Aim of the inquiry:** To review the policy in the sphere of higher education in the Republic of Uzbekistan in terms of political sciences to develop research based conclusions and proposals.

**Method of inquiry:** applicable, historicity, being logic, incessant, comparative-political analysis, structural and functional approach.

**The results achieved and their novelty:** Significance of state policy of higher education, in point of political subjects was analyzed; activity of Higher Educational Institutes was analyzed based on world experience; reforms, which take place in the country on training of preparing national staff in the sphere of higher education; conclusions and proposals have been developed on its improvement.

**Practical value:** The results of research and ideas can be widely used in sphere of higher education in reviewing disadvantages and existing problems, improve the state policy in this sphere.

**Degree of embed and economic affectivity:** important rules and outcomes of dissertation have been reflected in seminars and lectures on scientific-theoretical and scientific-practical conferences.

**Sphere of usage:** It can be used in teaching such subjects and courses as «National Ideology», «Management in educational establishments», «Theory and practice of building democratic state in Uzbekistan», «Political Study», «Human Rights», as well as in the process of educating youth in higher educational establishments.

Таджикотчи

М.И. Давлетова

Босишга рухсат этилди. 07.09.2007й.  
Босма табоқ 1,25. Адади 100. Буюргма № 06/9.  
«Akadem – Xizmat» босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45